



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 2 майда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 1 июнда
маъқулланган

Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг иқтисодиётини эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бир қаторда инвестициявий жозибадорликни ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва ёшлар бандлигини таъминлаш орқали Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига Қорақалпоғистон Республикасининг тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи, айланмадан олинadиган солиқ, мол-мулк солиғи ва ер солиғи 2028 йил 1 январга қадар 50 фоизга камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланмоқда, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ эса шаҳарлар ҳудудида фаолиятни амалга ошираётган шахслар учун 12 бараварга, туманлар ҳудудида фаолиятни амалга ошираётган шахслар учун 6 бараварга камайтирилмоқда ҳамда йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгиланмоқда.

Бундан ташқари «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эл мутахассислари (ўқитувчилари) 2027 йил 1 октябрга қадар консуллик йиғимини ҳамда доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун ундириладиган давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Қорақалпоғистон Республикасининг инвестициялар жалб этувчанлигини оширишга, тадбиркорликни ривожлантиришга, янги иш ўринларини яратишга, нодавлат таълим ташкилотларидаги таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда) **483-моддаси** куйидаги мазмундаги **ўттиз тўққизинчи** ва **қирқинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида жойлашган ҳамда мазкур ҳудудда фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан йирик солиқ тўловчилар, доимий муассасалар, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдоридан ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдоридан ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар мустасно) 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда:

фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридан солиқ ставкаси бўйича, яқка тартибдаги тадбиркорлар эса йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан тўлайди.

Агар солиқ тўловчи ушбу модданинг ўттиз тўққизинчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзлари билан бир қаторда бир вақтнинг ўзида бошқа асослар бўйича солиқ имтиёзларига доир ҳуқуққа эга бўлса, бундай солиқ тўловчи ўз ихтиёрига қўра энг қулай солиқ имтиёзини танлашга ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модда** куйидаги мазмундаги **9²-банд** билан тўлдирилсин:

«9²) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эл мутахассислари

(ўқитувчилари) 2022 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар бўлган даврда»;

2) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эл мутахассислари (ўқитувчилари) 2022 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар бўлган даврда».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ушбу Қонун 1-моддасининг қоидалари 2023 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддасининг қоидалари 2022 йил 1 октябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2023 йил 12 июнь
№ ЎРҚ–845



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI

О внесении дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на улучшение инвестиционной и деловой среды в Республике Каракалпакстан

Принят Законодательной палатой 2 мая 2023 года
Одобен Сенатом 1 июня 2023 года

Проводится масштабная работа по комплексному социально-экономическому развитию Республики Каракалпакстан, либерализации ее экономики, поддержке предпринимательства.

Наряду с этим возникает необходимость принятия дополнительных мер с целью дальнейшего повышения экономического потенциала Республики Каракалпакстан путем повышения инвестиционной привлекательности, улучшения деловой среды и обеспечения занятости молодежи.

Данным Законом в Налоговый кодекс Республики Узбекистан вносятся изменения, предусматривающие снижение до 1 января 2028 года до 50% налога на прибыль, налога с оборота, налога на имущество и земельного налога для субъектов предпринимательства Республики Каракалпакстан. Кроме того, ставка социального налога для юридических лиц, осуществляющих предпринимательскую деятельность, устанавливается в размере 1 процента, а социальный налог, уплачиваемый индивидуальными предпринимателями, уменьшается в 12 раз для лиц, осуществляющих деятельность на территории городов, в 6 раз — для лиц, осуществляющих деятельность на территории районов, и устанавливается в однократном размере базовой расчетной величины в год.

Кроме того, в Закон Республики Узбекистан «О государственной пошлине» вносятся изменения, предусматривающие освобождение до 1 октября 2027 года от уплаты консульского сбора и государственной пошлины, взимаемой за регистрацию по временному и постоянному месту жительства иностранных специалистов (преподавателей), привлекаемых к учебному процессу негосударственных образовательных организаций на территории Республики Каракалпакстан.

Настоящий Закон послужит повышению инвестиционной привлекательности Республики Каракалпакстан, развитию предпринимательства, созданию новых рабочих мест, дальнейшему

повышению качества образования в негосударственных образовательных организациях.

Статья 1. Статью 483 Налогового кодекса Республики Узбекистан, утвержденного в новой редакции Законом Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № ЗРУ–599 (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2019 г., приложение 1 к № 12; 2020 г., № 3, ст. 198, № 10, ст. 593, № 11, ст. 652, № 12, ст.ст. 690, 691; 2021 г., № 1, ст. 6, № 4, ст. 294, приложение к № 4, № 8, ст. 800, № 9, ст. 901, № 10, ст.ст. 968, 969, 972, 973, № 12, ст. 1199; 2022 г., № 2, ст. 79, № 3, ст.ст. 215, 216, № 5, ст.ст. 461, 464, 467, № 6, ст. 570, № 7, ст.ст. 664, 666, № 12, ст. 1190), дополнить **частями тридцать девятой и сороковой** следующего содержания:

«В период с 1 января 2023 года до 1 января 2028 года субъекты предпринимательства, расположенные во всех районах Республики Каракалпакстан и осуществляющие деятельность на данной территории (за исключением крупных налогоплательщиков, постоянных учреждений, бюджетных организаций и государственных предприятий, юридических лиц с долей государства в уставном фонде (уставном капитале) в размере 50 процентов и более, юридических лиц, в уставном фонде (уставном капитале) которых 50 и более процентов принадлежит юридическому лицу с долей государства в уставном фонде (уставном капитале) в размере 50 процентов и более):

уплачивают налог на прибыль, налог с оборота, налог на имущество юридических лиц и земельный налог с юридических лиц по налоговым ставкам, сниженным на 50 процентов по сравнению с установленными налоговыми ставками;

уплачивают социальный налог по налоговой ставке в размере 1 процента, а индивидуальные предприниматели – в размере одной базовой расчетной величины в год.

Если наряду с налоговыми льготами, предусмотренными в части тридцать девятой настоящей статьи, налогоплательщик одновременно имеет право на налоговые льготы по другим основаниям, такой налогоплательщик вправе выбрать наиболее благоприятную налоговую льготу по своему усмотрению».

Статья 2. Внести в Закон Республики Узбекистан от 6 января 2020 года № ЗРУ–600 «О государственной пошлине» (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2020 г., № 1, ст. 1, № 3, ст. 201, № 5, ст. 298, № 10, ст. 593, № 12, ст. 691; 2021 г., № 1, ст. 13, приложение к № 4, № 7, ст. 661, № 8, ст.ст. 800, 803, № 10, ст. 968; 2022 г., № 2, ст. 76, № 3, ст.ст. 214, 216, № 4, ст. 340, № 5, ст.ст. 463, 464, 467, № 12, ст. 1186; 2023 г., № 2, ст. 103) следующие дополнения:

1) **статью 14** дополнить **пунктом 9²** следующего содержания:

«9²) на период с 1 октября 2022 года до 1 октября 2027 года иностранные специалисты (преподаватели), привлекаемые к учебному процессу негосударственных образовательных организаций на территории Республики Каракалпакстан»;

2) **часть первую статьи 15** дополнить **абзацем четвертым** следующего содержания:

«на период с 1 октября 2022 года до 1 октября 2027 года иностранные специалисты (преподаватели), привлекаемые к учебному процессу негосударственных образовательных организаций на территории Республики Каракалпакстан».

Статья 3. Министерству экономики и финансов Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

Статья 4. Кабинету Министров Республики Узбекистан: привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

Статья 5. Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

Положения статьи 1 настоящего Закона распространяются также на отношения, возникшие с 1 января 2023 года.

Положения статьи 2 настоящего Закона распространяются также на отношения, возникшие с 1 октября 2022 года.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент,
12 июня 2023 года
№ ЗРУ–845